Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 9 сентябрь, шанба • № 71 (10.747) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, чуқурлаштириш ва кенгайтириш борасида давлат сиёсатини амалга ошириш, уни жонлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни олиб ташлаш, шунингдек акциядор инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида давлат бошқарув органи мақомига эга бўлган қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича Давлат комиссияси тузилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Давлат комиссиясининг фаолият кўрсатиши унинг ишчи аппарати ва иловага мувофиқ таркибдаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан таъминланади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш зиммасига қимматли қоғозлар бозорини шакллантиришга ва ривожлантиришга концептуал ёндашиш, фонд бозорини давлат томонидан тартибга солиб бориш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш масалалари юклансин.

3. Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича Давлат комиссиясининг асосий вазифаси деб ҳисоблансин.

4. Давлат комиссияси зиммасига қуйидаги вазифаларни ҳал этиш юклансин:

— ўзбек ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини чиқариш ҳамда уларнинг миллий ва халқаро қимматли қоғозлар бозорида самарали муомалада бўлиши учун зарур ҳуқуқий шартларни таъминловчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

— қимматли қоғозларни, шу жумладан хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини ҳам рўйхатга олиш, бозорга чиқариш ва муомаласини тартибга солиш;

— қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширувчи инвесторларнинг, ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

— қимматли қоғозлар бозорининг самарали инфраструктурасини вужудга келтиришда тегишли давлат органлари билан биргаликда иштирок этиш;

— Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари, маҳаллий бошқарув органларининг ва қимматли қоғозлар бозори бевосита қатнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— республикада рўйхатга олинган қимматли қоғозлар, шунингдек инвестиция институтлари сифатида фаолият кўрсатиш учун лицензия олган юридик шахсларнинг Ягона давлат рўйхатларини олиб бориш;

— қимматли қоғозлар эмиссияси ва муомаласи масалаларига оид қонунларга риоя этилишини назорат қилиш;

— ҳисоб-китоб ва ҳисоб юритиш, қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилиш ва ривожлантириш тўғрисидаги маълумотлар банкини шакллантириш, инвесторлар ва жамоатчиликни кенг хабардор қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича Давлат комиссияси билан биргаликда:

— инвестиция институтларининг фонд биржасидаги савдоларга баб-баравар киришини;

— ҳақиқий талаб ва таклифни, эмитентларнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини, қимматли қоғозларнинг сотилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозлар очиқ савдога қўйилишини таъминласин.

6. Қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг манфаатдорлигини ошириш, фонд бозорида операцияларни фаоллаштириш мақсадида:

— 1995 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг дивидендлар ҳолида қимматли қоғозларнинг айланишидан, қимматли қоғозларнинг сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги тафовутдан олинган даромадлари уч йил муддатгача солиққа тортилишдан озод қилинсин;

— 1995 йил 1 сентябрдан бошлаб қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасини тузиш чоғида битим қатнашчиларидан олинадиган қимматли қоғозлар операцияси солиғи бекор қилинсин;

— 1995 йил 1 сентябрдан бошлаб қимматли қоғозлар эмиссияси проспектини рўйхатдан ўтказиш чоғида эмитентдан олинадиган қимматли қоғозлар операцияси солиғининг ставкаси эмиссия ўз қийматининг 0,5 фоизидан 0,1 фоизига камайтирилсин.

7. Қимматли қоғозлар бозорида хорижий инвесторларнинг қатнашишини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси қимматли қоғозлар ва фонд биржалари Давлат комиссияси билан биргаликда:

— хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси эмитентларининг қимматли қоғозларини сотиб олишга, қўйилган маблағларини ва улар бўйича олинган даромадларини конвертациялашга, кейинчалик амалдаги қонунчиликка мувофиқ репатриация қилишга бўлган ҳуқуқларининг амалга оширилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар;

— хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ўзбекистон эмитентларининкини чет мамлакатларда киритиш, рўйхатдан ўтказиш ва жойлаштириш Тартибини 10 кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки корхоналарини акциялаштириш ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришни жадаллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони 6-бандининг 2-хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилсин.

11. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 7 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ИЛОВА

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ВА ФОНД БИРЖАЛАРИ ФАОЛИЯТИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ТАРКИБИ

Абдуқодиров А. М. — Молия вазирининг ўринбосари — раис

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари:

Абдуллаев Б. — Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мутахассиси

Азимов Р. С. — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг раиси

Бутиков И. Л. — «Тошкент» республика фонд биржаси раисининг биринчи ўринбосари

Волфганг Шрайбер — К. Аденауэр Фонди ваколатхонасининг бошлиғи

Габзалилов Р. Г. — «Вақт» миллий депозитарийсининг бош директори

Голишев В. А. — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

Давидов Б. В. — Республика валюта биржасининг бош директори

Мирбобоев Б. Ш. — Адлия вазирининг ўринбосари

Мирхўжаев У. — «Зар» брокерлик фирмасининг директори

Нурмуродов М. Б. — Марказий банк раисининг ўринбосари

Расулев А. Х. — Молия вазирлиги қимматли қоғозлар бозори бошқармасининг бошлиғи

Раҳимжонов Р. Т. — Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари

Сатторов Ш. Х. — Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

Зубайдур Раҳмон — «Делойт энд Туш» халқаро консалтинг компанияси ваколатхонасининг директори

Уильям Бейли — «Куперс энд Лайбранд» халқаро консалтинг компаниясининг катта менеджери

Ричард Бернстром — Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди ваколатхонасининг бошлиғи

Войчех Хюбнер — ЮНИДО хусусийлаштириш дастурлари бўйича гуруҳ раҳбари

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВГА

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
АСҚАР АКАЕВГА

ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИМОМАЛИ РАҲМОНОВГА

ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ
САПАРМУРОД НИЁЗОВГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВГА

МУРОЖААТНОМА

Муҳтарам Президентлар!

Биз, Марказий Осиёдаги беш мустақил давлат фан, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари ҳар бир халқнинг анъанавий маданий қадриятларини сақлаб қолишнинг яхлит жараёни асосида халқларимизни бир-бирига маънавий жиҳатдан яқинлаштиришдек олижаноб мақсадни кўзлаб, ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Туркистон халқлари маданиятлари анжумани» минтақа ҳаракатини тузиш ташаббусини кўтармоқдамиз.

Бу ҳаракат доимий ҳамкорликни назарда тутиб, Туркистоннинг қайта тикланиши ва санъат, адабиёт ва илм-фанни ўзаро бойитиш мақсадида, жаҳон ҳамжамиятининг инсонпарварлик ҳамда маънавий равнақ ғояларига, шунингдек Туркистон минтақаси маданий тараққиётининг янги ресурслари ва имкониятларидан фойдаланишга фаолроқ кўмаклашиш учун миллий оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги мақсадларини кўзлаб, бир-бирига яқинлашишининг янги тарихий тажрибасини фаол ўзлаштиришга ёрдам беради.

Биз давлатларимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, минтақада ҳам, жаҳон ҳамжамиятида ҳам интеграция жараёнларини тезлаштириш, қадимий халқларимизнинг асрий ижтимоий қадриятларини қайта тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни жуда қадрлаймиз. Ҳаракат шу олийжаноб мақсадларга эришишга фаол кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Шу йилнинг октябрь ойида Тошкентда «Қардош халқлар учрашуви» халқаро қурултойини чақириш назарда тутилмоқда. Унда беш давлатдан таниқли маданият ва илм-фан арбоблари, бадиий жамоалар иштирок этади.

Ҳаракатимиз номининг ўзиёқ Туркистон халқлари янги тарихий тафаккурининг катта тарбиявий моҳиятини кўрсатиб турибди.

Сизлар бу олижаноб мақсадни қўллаб-қувватлашларингизга умид қиламиз.

Чингиз АЙТМАТОВ — Қирғизистон халқ ёзувчиси
Баҳо СОДИҚОВ — кинорежиссёр, Рўдакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти лауреати
Оғажон БОБОЕВ — Туркманистон Фанлар академияси академиги
Қолдорбек НАЙМАНБОЕВ — Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
Қолтой МУҲАММАДЖОНОВ — Қозоғистон халқ ёзувчиси
Мухтор ШАХАНОВ — Қозоғистон халқ шоири
Одил ЁҚУБОВ — Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги
Галина ПУГАЧЕНКОВА — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги
Тулепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

МЕМОРАНДУМ

1995 йил июль ойида икки республика — Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон фан ва маданият арбоблари ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Туркистон халқлари маданиятлари анжумани» халқаро ҳаракатини тузиш ташаббуси билан чиққан эдилар.

Бу ғояни сўнгра Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон маданият ва фан арбоблари қўллаб-қувватлади. Ташаббускор гуруҳ тузилди.

1995 йил 1 сентябрда биз, ташаббускор гуруҳ аъзолари қуйидаги хулосага келдик:

1. Ҳукуматга алоқадор бўлмаган «Туркистон халқлари маданиятлари анжумани» халқаро ҳаракати таъсис этилсин.

Қуйидагилар ҳаракатнинг асосий мақсади, деб белгилансин:

— Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар илмий ва ижодий зиёлиларининг бир-бирларига яқинлашувига кўмаклашиш;

— илм-фан, адабиёт ва санъат соҳасида ҳар бир республикада қилинган янги кашфиётлар ва муҳим воқеалар тўғрисида ахборотни йўлга қўйиш;

— энг сара асарларни таржима қилиш ва нашр этиш, дўстона учрашувлар, конференциялар, декадалар, кўргазмалар ва шу кабиларни мунтазам ўтказиб туриш.

2. Шу йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида «Қардош халқлар учрашуви» халқаро қурултойини чақириш.

Қурултойнинг ташкилот қўмитаси қуйидаги тартибда тузилсин.

ҚИРҒИЗИСТОН:

1. **Чингиз Айтматов** — халқ ёзувчиси
2. **Жунай Мавлонов** — халқ ёзувчиси
3. **Каким Сулаймонқулов** — академик
4. **Болотбек Шамшиев** — кинорежиссёр

ТОЖИКИСТОН:

1. **Муҳаммаджон Осимов** — академик
2. **Асқар Ҳакимов** — халқ ёзувчиси
3. **Жўрабек Муродов** — халқ артисти
4. **Баҳо Содиков** — кинорежиссёр

ТУРКМАНИСТОН:

1. **Оғажон Бобоев** — академик
2. **Бобосари Аннамуродов** — халқ рассоми
3. **Отамурод Отибоев** — халқ ёзувчиси
4. **Николай Лежнев** — академик

ҚОЗОҒИСТОН:

1. **Қолдорбек Найманбоев** — халқ ёзувчиси
2. **Қолтой Муҳаммаджонов** — халқ ёзувчиси
3. **Мухтор Шаханов** — халқ шоири
4. **Жумабой Абдилдин** — академик

ЎЗБЕКИСТОН:

1. **Одил Ёқубов** — халқ ёзувчиси
2. **Пўлат Ҳабибуллаев** — академик
3. **Галина Пугаченкова** — академик
4. **Тулепберген Қайипбергенов** — халқ ёзувчиси

3. Ташкилот қўмитаси зиммасига «Қардош халқлар учрашуви» қурултойига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юклатилсин.

Учрашув иштирокчиларининг мазкур ҳаракатда қатнашувчи мамлакатлар пойтахтларида шундай тузилмалар барпо этилгани ва қурултойга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилгани тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ташаббускор гуруҳ томонидан тайёрланган учрашув эмблемаси ва белгилари тасдиқлансин.

5. Ташкилот қўмитаси номидан ҳаракатда иштирок этувчи мамлакатлар давлат бошлиқларига мурожаатнома матни маъқуллансин.

1995 йил 1 сентябрда
Тошкент шаҳрида имзоланди.

ТОШКЕНТ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

7 сентябрь куни Тошкентда мамлакатимиз пойтахтининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишларининг боришини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи республика комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими ва унинг ўринбосарлари, туман ҳокимлари, вазирлик ва идоралар, бошқарма ва корпорациялар, концерн ва уюшмалар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтларининг раҳбарлари, мутахассислар қатнашди.

Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш ишларини бошқариш ва назорат қилиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ҳамда 1995-1996 йилларда пойтахтда амалга ошириладиган бунёдкорлик ишларининг дастури муҳокама этилди. Мазкур масалалар бўйича Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановнинг ахбороти тингланди.

Тошкент шаҳри янада обод бўлиб, ўзгача чирой очиб бораётгани, айникса пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод этиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилгани, шунингдек, Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида кўплаб юбилей иншоотлари ишга туширилгани мажлисда таъкидлаб ўтилди. Тошкент шаҳрида махсус дастур бўйича бу йил ва келгуси йили кенг кўламда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурлиги айтилди. Ушбу дастурга кўра Наврўз байрами ҳамда мустақиллигимизнинг беш йиллиги кунигача шаҳарда катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари бажарилади. Жумладан, янги-янги кўчалар ва хиёбонлар бунёд этилиб, уларда жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилади, замонавий дам олиш масканлари, соғломлаштириш мажмуилари, музейлар, аҳоли учун қулай уйжойлар ва маданий-маиший иншоотлар қурилади.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари К. Раҳимов қатнашди.

(ЎзА).

(Пойтахтимизни обод этиш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

ПАХТА КАРВОНИ ЮРДИ

ДЕҲҚОННИНГ йил — ўн икки ой қилган самарали меҳнати натижалари тарозига тушадиган давр келди. Бу йил чинозликлар 6681 гектар майдонда пахта етиштириб, 18 минг тоннали хирмон яратиш, ҳосилнинг салкам 60 фоизини машиналар билан териб олишга аҳд қилганлар. Барча қишлоқларда аҳоли ёппасига йиғим-теримга отланди. 6 сентябрь куни эрталаб Чиноз пахта тозалаш заводига дастлабки ҳосил ортилган карвон кела бошлади. Шу муносабат билан бўлган митингда туман ҳокими Э.Бердиев сўзга чиқиб, барча чинозликлар етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш учун бир жон-бир тан бўлиб ишга киришажакларига ишонч билдирди.

— Қишлоғимиз қариялари ҳар йилги анъанага кўра бу йил ҳам пахта йиғим-теримидан четда қолмайдилар, — деди сўзга чиққан Чиноз қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Қосим Жалилов. У қишлоқ фуқароларининг тумандаги барча аҳолига ва фахрийларга қилган мурожаатномасини ўқиб берди. Пахта тозалаш заводи ўтган йилги ҳосилнинг 21 минг тоннасини муддатидан илгари қайта ишлаб бўлди, — деди ўз сўзида корхона тайёрлов бўлими бошлиғи Р.Юсупов. — Янги ҳосил қабулига пахта тайёргарлик кўрлик. Завод ҳар куни йиллик режанинг 5-6 фоизи миқдорида ҳосил қабул қила олади.

Завод дарвозасидан кираверишда тортилган алвон лентани Т.Охунова номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Н.Бектуров ва вилоят агросаноат уюшмаси етакчи мутахассиси А.Икромов қирқдилар. Биринчи бўлиб Т.Охунова номли жамоа хўжалигидан келтирилган пахта тарозудан ўтди, сўнгра «Эшонобод», «Дўстлик», «Йўлтушган», «Чиноз», «Ўзбекистон», «Гулзоробод», Навоий номли ва бошқа хўжаликларнинг ҳосили хирмонга тушди. Шу куни пахта тозалаш заводининг цехлари янги ҳосилни қайта ишлай бошлади.

Х.СУЛАЙМОНОВ.

СУРАТДА: пахта карвони.

ДЕФОЛИАЦИЯГА КИРИШИЛДИ

ПАХТАКОРЛАРИМИЗ катта синов-пахта йиғим-терими арафасида турибдилар. Улар учун йил қулай келди, асосий майдонларда пахтадан эртаги ҳосил етиштирилди. Бу ўз навбатида гўза баргини сунъий тўктириш ишларига ҳам бирмунча барвақт киришиш имконини туғдирди.

Шу кунларда вилоятимизнинг ҳамма хўжаликларида гўза баргини сунъий тўктириш ишлари оммавий суръатда бошланиб кетди. Август ойининг охирларидаёқ бу муҳим агротехник тадбирни танлаб ўтказишга киришган Бўка туманидаги С. Саймоқов номли, «Ачамайли», Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев номли, шунингдек, Оққўрғон ва Янгиёул туманларидаги қатор жамоа хўжаликларида бу иш пухта тараддуд кўрган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Х.НОСИРОВ.

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАККА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЯПМИЗ

Эркин РЎЗИЕВ,
Тошкент вилояти ҳокими

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг тўрт йиллиги байрамини вилоятимиз меҳнаткашлари ёруғ юз билан кутиб олдилар. Байрам арафасида ўнлаб майда ва ўрта бизнес ҳамда қўшма корхоналар фойдаланишга топширилди. Шаҳарлар, туман марказлари, қишлоқлар ободонлаштирилди. Қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, мустақиллик тантаналари ҳамма ерда гоят кўтаринки руҳда ўтди. Бугун биз тадбиркорликка кенг йўл очиб берган ислоҳотларнинг самараларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Ушбу қутлуғ санани бу қадар кенг кўламда нишонлаганимиз бежиз эмас. Зеро, атрофимизда юз берётган буюк ўзгаришлар давлатимиз мустақиллиги билан боғлиқдир. Улар маънавий ҳаёт, маданият ва таълим тизимларига ҳам таллуқли. Халқимизнинг миллий ғурури тикланди, ўз кучига ишона бошлади.

Иқтисодий мустақиллик йўлида ҳам дадил қадам ташланмоқда. Тарихий ва миллий ўзига хослик ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон ўзига мос йўл танлади. Бозор муносабатларига ўтишнинг бешта асосий тамойиллари аниқ белгилаб олиниб, оғишмай амалга оширилмоқда.

Ҳаётимизда юз берётган жамики ўзгаришлар мамлакатимизнинг биринчи марта умумхалқ томонидан сайланган Президенти номи билан боғлиқдир. Тарихнинг ўзи юртбошимиз зиммасига гоят оғир масъулият — одамлар қалбида эртанги кунга ишонч уйғотиш, мустақил давлатнинг тезда оёққа туриш йўлини танлай билиш вазифасини юклади.

Келинглар, бугунги кунда Тошкент вилояти аҳолиси қандай яшаб меҳнат қилаётганлигига бир назар ташлайлик. Гапни қишлоқлардаги ўзгаришлардан бошлайдиган бўлсак, шу йилнинг ўтган ойти ойида деҳқон-фермер хўжаликлари 573 тонна гўшт, 2033 тонна сут етиштирдилар. Улар тайёрлаётган мева ва сабзавот маҳсулотлари анча кўпайди. Умуман, вилоят хўжаликларида шу йилнинг иккинчи чорагида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ўсиш кўзга ташланмоқда. Чунончи, гўшт етиштириш йилнинг биринчи чорагидагига нисбатан икки минг тонна, сут 15,4 тонна кўпайди.

Ғалла мустақиллиги сари дадил қадам ташланди. Вилоят давлат омборларига 216 минг тоннадан зиёд дон топширди. Бу ўтган йилдагидан 130 минг тонна кўпдир. Суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан ўртача 31 центнердан хирмон кўтарилди. Ўтган йили эса ҳосилдорлик 15,6 центнер бўлган эди.

Қишлоқ хўжалигидаги бундай ўсиш асосий экин майдонлари ҳақиқий эгасини топганлигининг шарофатидир. Ер эгалари деҳқончилик илмини яхши биладиган кишилардир. Энди улар аввалгидек, юқоридан кўрсатма кутиб ўтирмайдилар, ота-боболаридан мерос қолган бой тажрибалар асосида иш юритадилар. Ана шундай деҳқонлар сулоласидан бўлган Баҳром Умаров Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа хўжалигида 30 йилдан бери бригадирлик қилиб келади. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор»унвони бекорга берилмаган. У бошлиқ бригада ҳар йили пахтадан барқарор юқори ҳосил олади. Хўжалик ҳисобида ишлашга ўтган бу жамоа аъзолари галлазорларда етиштирилган мўл дон ҳосилини қисқа муддатда саранжомлаб олишиб, энди пахта йиғим-теримига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Улар бу йил гектаридан камида 45 центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллаб туришипти, далаларда эса шунга яраша мўл ҳосил пишиб етилмоқда.

Ерни тушунадиган, унинг қадрига етадиган ва эъзозлайдиган ана шундай кишилар бугунги кунда деҳқон-фермер хўжаликларини барпо этиб, ишни тубдан ўзгартирмоқдалар. Бу эса қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар жараёни тўғри йўлдан бораётганини кўрсатади. Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўтган йилги XVI сессиясида айтган сўзларини эслаш жоиздир. Биз унумдор ерларни деҳқон меҳнатини қалбдан севадиган, уни қадрлай биладиган кишилар қўлига ишониб топширишимиз керак, деган эди юртбошимиз. Бу сўзлар бизнинг вилоятимизда ҳам амалда рўёбга чиқаётир.

Биз норентабелли чорвачилик мажмуаларини сотишга айнан шу нуқтаи назардан ёндашмоқдамиз. Кейинги икки ойнинг ўзидаёқ жами қорамоллар сони 6 мингдан кўпроқ бўлган ана шундай 18 та ферма ҳақиқий эгаларига сотилди. Шу давр ичида 853 ер участкаси, шундан 531 таси савдо ва маиший хизмат объектлари, 569 та кўчмас мулк ва автотранспорт объектлари кимошди савдосига қўйиб сотилди.

Иқтисодий ислоҳотлар халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида бир маромда давом этмоқда. Вилоятдаги 7400 корхона ва жамоа хўжаликларидан 5746 таси давлат тасарруфидан чиқарилди. Улар орасида 1380 та хусусий, 2632 та кичик корхона, 304 та акционерлик ва 98 та ижара жамияти бор. Йил охирига бориб, деҳқон-фермер хўжаликларини уч мингтага етказмоқчимиз. Шунингдек, вилоятимиз қимматли қоғозлар бозорига ҳам чиқиб бормоқда. Жамғарма биржасида умумий қиймати 5 миллион 382 минг сўм бўлган 30 мингта акция сотилди.

Мулк шаклини ўзгартирган корхона ёки хўжаликнинг фаолиятига қуруқ рақамлар билан эмас балки, самарадорлик, иқтисодиётга қўшаётган ҳиссасига қараб баҳо бериш лозим бўлади. Бу шахсан Президентимизнинг талабидир ва биз унга оғишмай амал қилмоғимиз лозим. Ҳозир вилоятда нодавлат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳиссаси саноатда 21,6 фоизни, қурилишда 42,1, савдо ва умумий овқатланиш тармоқларида 85,5, қишлоқ хўжалигида 90 фоизга тенг. Бир қарашда бу рақамлар анча салмоқли кўринади. Хўш, улар қандай маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар? Улар керакми ўзи? Керак бўлса—қанча ҳажмда? Бу маҳсулотлар сифатлими? Афсуски, шу нуқтаи назардан қаралганда, ҳамма ишларимиз яхши бораяпти дея олмаймиз.

Ички ва ташқи бозорда муваффақиятли рақобатлаша олишимиз, истеъмолчиларнинг эҳтиёжини қондиришимиз учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Шундан сўнггина ислоҳотлар самараси ҳақида гапирса бўлади. Аммо нима бўлганда ҳам биз бозор муносабатлари босқичма-босқич амалга ошаяпти ва ўзининг ижобий натижаларини бераяпти дейишга ҳақлимиз.

Тўрт йил — тарих учун кўз очиб юмгандай гап. Бироқ, жамият тараққиётини белгилайдиган давр учун вақт юз берётган ўзгаришларнинг қанчалик чуқурлиги ва мазмун-моҳияти билан ўлчанади. Шу маънода қарайдиган бўлсак, шу қисқа вақт ичида республикамиз миллий давлатни ривожлантиришда бутун бошли тарихий даврни бошдан кечирди, давлат ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида жиддий ўзгаришларга эришди. Бизнинг асосий ютуқларимиз, энг катта бойлигимиз, деган эди Ислом Каримов, бу — халқимизнинг ақлидроки, унинг биз танлаган йўлга, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлар ўртасидаги дўстликка, фуқаролар тотувлиги, тинчлик ва хотиржамликка комил ишончидир. Зеро, ҳозирги мураккаб даврда халқимизни фақат шу йўл билангина якдил ва саломат асраш, уни тараққиёт ва фаровонлик йўлига бошлаш мумкин.

Тошкент вилоятида Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекобод «Узметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқ қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар заводи ва бошқа индустрия гигантлари бор. Бугунги кунда улар иқтисодий алоқаларнинг узилиши боис юзага келган қийинчиликларни енга бориб, қувватларни аста-секин оширмоқдалар. Замонавий технология ва маҳаллий хомашёдан тўла фойдаланишга ҳаракат қилиб ишлаб чиқаришни реконструкцияламоқдалар. Тўғри, муаммолар оз эмас, ҳал бўлмаган вазифалар бор. Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг 1995 йил январдаги сессиясида сўзлаган нутқида вилоят катта салоҳиятга эга, ундан самарали фойдаланмоқ керак, дея таъкидлаб, тараққиётимиз истиқболларини аниқ белгилаб берди.

Дарҳақиқат, бунинг учун ҳамма асос бор. Айниқса, ишчи кучлари етарли бўлган қишлоқ жойларда кичик ва хусусий бизнес соҳаларида катта резервлар яширинган. Аҳолини иш билан банд этиш дастури қайта кўриб чиқилди ва илгари ишчи ўринларни йилига 12-13 мингга кўпайтиришни режалаштирган бўлсак, энди бу рақамларни икки баравар ошириш керак бўлади. Бизнинг асосий мақсадимиз — тез мослашувчан ихчам корхоналар барпо этиш. Бундай ишлаб чиқариш қувватлари эҳтиёжга қараб маҳсулот чиқариш имконини беради, ҳозирданоқ сезила бошланган рақобатга дош бера олади.

Иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш энг тўғри йўл эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Республикада кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий асос яратилди. Амалдаги қонунларда, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларида солиққа тортиш, молиявий ёрдам кўрсатиш ва кредитлар ажратишда турли имтиёз ва енгилликлар, шунингдек, бизнесни йўлга қўйиш ва уни моддий-техника ҳамда хомашё ресурслари билан таъминлашда ёрдам бериш назарда тутилган.

Буларнинг ҳаммаси эртанги куннинг порлоқ бўлишига, халқ фаровонлигини ўйлаб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятли якунланишига қатъий ишонч уйғотади. Ўзбек халқининг мамлакат бош байрами — Мустақиллик кунини гоят баланд руҳ, хуш кайфият билан байрам қилганининг боиси ҳам шу. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос ва мос йўлини танлаб олган мустақил давлатимиз шу йўлдан комил ишонч билан олга қадам ташламоқда.

(«Ҳалқ сўзи» 1995 йил 7 сентябрь).

9 сентябрь КХДР ташкил топган кун

КИМ ИР ХЕК:

ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДАН МАНФААТДОРМИЗ

Корея Халқ Демократик Республикаси халқи шу кунларда мамлакат ташкил топганининг 47 йиллигини тантана қилмоқда. Шу муносабат билан мухбиримиз КХДРнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Ир Хек билан суҳбатлашди.

— Жаноб элчи, Шимолий Корея халқи байрамни қандай кутиб олмоқда?

— ҚХДР ташкил топган кунни биз ҳар йили халқимизга янгича ҳаёт қуриш имкониятлари очилган тарихий кун сифатида катта қувонч билан нишонлаймиз. Илгари қолоқлик ва қашшоқлик ҳукм сурган мамлакатда айни пайтда мустақил иқтисодиёт, қудратли ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Мамлакатимиз эришган ушбу ютуқларда давлатимиз раҳбарияти, жумладан, Ким Ир Сен ва у бошлаган ишни муносиб давом эттираётган Ким Чен Ирнинг муҳим ҳиссаси бор. Ҳозир мамлакатимизда йилига 100 миллиард киловатт-соат электр энергияси, 120 миллион тонна кўмир, 10 миллион тонна пўлат, 1,7 миллион тонна рангли металлар, 22 миллион тонна цемент, 1,5 миллиард метр газлама ишлаб чиқарилмоқда. Юртимизда бугун бир кунда 1944 йилда етиштирилган ялпи умумий миллий маҳсулот ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Мамлакатимиз ўтган йиллар ичида эришган ютуқлар ҳақида гап кетганда, юртимиз озодликка эришгунча олий ўқув юртида таҳсил кўрган бор-йўғи 10 нафар мутахассис бўлганини, айни пайтда эса халқ хўжалигининг турли соҳаларида 2 миллион нафардан зиёд олимлар, инженерлар ва мутахассислар меҳнат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Республикамизда замонавий электрон асбоб-ускуналар, электровозлар ва тепловозлар, йирик кемалар, қишлоқ хўжалик машиналари, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Уларнинг талай қисми жаҳоннинг турли мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

— Ўзбекистон билан ҚХДР ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланаётир?

— Ўзбекистон мустақилликка эришгач, биз мамлакатингиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқдамиз. Шу пайтгача ҚХДР олий халқ кенгаши раиси раҳбарлигидаги ва бошқа турли соҳа мутахассисларидан иборат нуфузли делегациялар Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташрифлар натижасида бир қанча соҳаларда, жумладан, авиация соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлигимиз, айниқса, истиқболлидир. Шу кўнларда ҚХДРдан келтирилган биостимуляторлар Ўзбекистон пахта далаларида синовдан ўтказилмоқда.

Биз яқин йиллар ичида мамлакатларимиз ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада кўпайишига ишонамиз. Шу ўринда Ўзбекистон ҳукумати ва халқига шимолий ва жанубий Кореянинг ўзгалар аралашувисиз, тинч йўл билан бирлашишини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изҳор этишни истардим.

Ўзбекистон Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида жамият ҳаётининг турли соҳаларида ижобий ютуқларни қўлга киритмоқда. Биз ўзбек халқининг янги жамият қуриш соҳасида эришаётган ютуқларидан чексиз қувонамиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари кенгайиши учун барча куч ва имкониятларни ишга соламиз. Зеро, бу ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг манфаатларига мосдир.

Амирқул КАРИМ. (ЎзА).

— Мустақиллигимизнинг 4 йиллик куни байрами арафасида республикамиз пойтахтида бўлган эдим, — деб ёзади ангренлик уруш ва меҳнат фахрийси Абдуғаффор ака Убайдуллаев таҳририятимизга юборган мактубида. — Бу ерда олиб борилаётган ишларни кўриб ниҳоятда қувониб кетдим, кўҳна ва қадрдон шаҳарнинг қайси бир бурчагига бормай янги қурилишлар, қад кўтарган янги ҳашаматли бинолар, бунёд этилган иншоотларга дуч келдим. Ҳозирги шароитда шунчалик кенг миқёсда бунёдкорлик ва ободончилик ишлари олиб борилаётганлиги кимни ҳам ҳайратга солмайди, дейсиз. Шундай янгиликлар ва ўзгаришлар ҳақида газетамиз «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида ҳам ўқишни истар эдик. Бу биргина менинг эмас, балки кўп сонли оиламиз аъзоларининг ҳам фикри, деб тушунишингизни илтимос қиламан. Менимча бу газетанинг барча муштарийлари учун ҳам қизиқарли бўлса керак.

Таҳририятимизга бундай мазмундаги мактублар кўплаб келмоқда. Муштарийларнинг илтимосига жавобан қуйида махсус мухбиримизнинг Тошкентда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақидаги мақоласини бераяпмиз.



• Ҳиндистонлик бунёдкорлар барпо этган янги меҳмонхонанинг ташқи ва ички кўринишлари.

ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ:

КУН САЙИН ЧИРОЙ ОЧИБ БОРМОҚДА

Мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилган қурилишлар, ишга тушган иншоотлар, фойдаланишга топширилган маданий-маиший бинолар истиқлол меваси, маънавий янгиланиш самарасидир. Буни биргина пайтахтимиз мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин.

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллик йўлига қатъий тушиб олганидан сўнг порлоқ истиқбол сари катта одимлар билан бормоқда. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар фақат ишлаб чиқаришда, маданий-маънавий соҳадагина эмас, айни вақтда ҳамма жойда кенг кўламда олиб борилаётган қурилишларда, ободончилик ишларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Тошкентимизнинг бугунги қиёфаси, кун сайин гўзаллашиб бораётган тафсифу-таровати ҳам ана шу мустақиллик мевасидир. Бугунги Тошкент кўз олдимизда, муболағасиз айтиш мумкинки, кун сайин, соат сайин ҳусни-жамолини кўркамлаштириб бормоқда. Ташқаридан онда-сонда келадиганларгина эмас, шу масканда яшаётган ҳар бир фуқаро уни тўла ҳис қилмоқда, бунинг учун бекад қувонмоқда, шундай ўзгаришлар, янгиликлар шоҳиди бўлаётгани билан қалби қувончларга тўлмоқда, ўз пойтахти билан ғурурланиш ҳисси қучаймоқда. Шу кунларда Шарқ дарвозаси ҳисобланган, китъаларни бир-бирига боғловчи Буюк Ипак йўли марказида жойлашган пойтахтимиз чиндан ҳам яшармоқда.

Кўп асрлик тарихдан сўз очмоқчи бўлсангиз «лаббай» деб жавоб бергувчи Тошкентимиз неча марта боскинчилар томонидан ер билан яксон қилинганлигини тарихдан яхши биламиз. У ҳар сафар қайта тикланди, катта машаққатлар билан бўлса ҳам қад кўтарди. Лекин, унинг бугунги қиёфасини ўтмишдагисининг бирортасига ҳам ўхшатиб бўлмайди. Айниқса ҳозирги вақтда у ҳар томонлама ривожланган, ҳар сохада камол топган, ҳар йўналишда бекиёс олга одим ташлаган шаҳарга айланди. Уни Марказий Осиёнинг Зуҳро юлдузи деб таърифлагим келади. Бундай деб айтиш учун тўла асос бор, деб ҳисоблайман. У ҳар томонлама забардаст, катта ахолиси энг кўп шаҳаргина бўлиб қолмай, иқтисодиёти таккослаб бўлмас даражада кенг қамровли ва бақуватдир.

Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз туфайли, унинг шарофати натижасидир. Тўрт йил тарих учун ниҳоятда қисқа, кўҳна Тошкент учун ҳам денгиздан томчидек гап. Лекин, бу йиллар мазмуни, моҳияти ўзгача, асрларга, минг йилларга тенгдир. Чунки шу қисқа муддат ичида шаҳар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бу республикамиз Президенти ва ҳукумати пойтахт тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилаётганликлари натижасидир. Ҳозирги анча мураккаб иқтисодий шароитларда ҳам кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари, янги уй-жойлар, ҳашаматли бинолар ва иншоотлар қурилиши учун етарли маблағ, материаллар ва ишчи кучи ресурслари ажратмоқдалар.

Бугунги Тошкент катта қурилиш майдонини эслатади. Унинг янги шаҳар қисмида ҳам, эски шаҳар қисмида ҳам олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини пойтахтимиз ўз тарихи давомида кўрмаган. Унинг кўлами ниҳоятда кенг ва беқиёсдир.

Узоққа бормасдан кейинги икки йил ва мустақликнинг тўрт йиллик куни арафасида амалга оширилган қурилишларни, ишга туширилган ёки фойдаланишга топширилган иншоотларнинг айримларини санаб ўтишнинг ўзи кифоя қилади. Биргина шаҳар марказидаги Амир Темур хиёбонида ўзбек халқининг буюк фарзанди, енгилмас саркарданинг янгиланган ёдгорлиги ўрнатилди, ўнта фаввора фойдаланишга топширилди. Бўрижар устидан ўтган янги кўприк ўзининг замонавийлиги, кенглиги, салобати билан ажралиб туради. Анҳор бўйлаб ва «Пахтакор» уйингоҳи ёни бўйлаб яшил минтакани барпо этиш ишларининг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Анҳордан Бўрижар гача ястаниб ётадиган бу кўкламзор ўртасида бутун бир янги кўл пайдо бўлди. Тошкентликлар бу масканни ҳозирнинг ўзидаёқ «Мустақиллик боғи» деб атаётганликлари бежиз эмас.

Шаҳримиз кўрки ҳисобланган Навоий номидаги миллий боғимизни кенгайтириш ва ободонлаштиришга қаратилган катта ҳажмдаги ишлар рўёбга чиқарилди. Натижада унинг салобати янада ортди.

«Тошкентленд» маданий-соғломлаштириш мажмуаси шаҳарликлар ва меҳмонлару сайёҳларнинг энг севимли масканларидан бири бўлиб қолди. Айниқса болалар бу ердан катта таассурот олиб қайтмоқдалар. Ташриф буюрганлар бамисоли тирик табиат қўйнида сайр қилаётгандай, эртаклар дунёсига тушиб қолгандай ҳис киладилар ўзларини. Бундай ғаройиб боғ Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Шарқда бозорни ҳар бир мамлакатнинг дарвозаси, унинг турмуш тарзини акс эттирувчи маскан, деб бежиз айтишмайди. Кейинги йилларда пойтахт бозорлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, уларни миллий меъморчилик анъаналари ҳамда замонавий қурилиш талаблари асосида қайта тиклаш ишлари тинимсиз олиб борилмоқда. Чорсу бозори янги иншоотларининг мовий гумбазлари кимни бефарқ қолдиради, дейсиз. Энг қадимги бозорлардан бири — Олой бозорининг учинчи навбати ҳам қуриб битказилди. Бу йирик бино қисқа муддатда — олти ойда фойдаланишга топширилди. Бозор бош дарвозасининг ўзидаёқ олтмиш бешта дукон ҳаридорларга турли хил савдо хизмати кўрсатишга киришди. Шаҳарда мавжуд бўлган ҳамма бозорларни ҳам қайта қуриш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Фарғона шоҳ кўчасининг кенгайтириш ва ободонлаштириш ишлари жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ҳар доим транспорт қатнови ниҳоятда зич бўлган кўча олдингисига нисбатан бир неча баравар кенгайтирилянти. Кўча атрофида жойлашган савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ташқи кўринишни ҳам давр талабига мос ҳолда миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган. Бу ва шунга ўхшаш бошқа қурилиш ишлари ҳақида яна кўп ёзиш, гапириш мумкин.

Лекин, ҳамма ўзбекистонликлар, айниқса тошкентликлар учун ниҳоятда қувончли бўлган яна бир бунёдкорлик иши ҳақида тўхтаб ўтмаслик мумкин эмас. У ҳам бўлса кўҳна Тошкентнинг Эски шаҳар қисми ҳақидадир. Унинг қиёфасини ўзгартириш тўғрисида бир неча марта қарорлар қабул қилингани, лойиҳалари тайёрланганлигидан кўпчилик хабардор. Бироқ собиқ иттифоқ вақтида режалаштирилган бу ишларни амалга ошириш доим пайсалга солиб келинди. Унинг қиёфаси амалда деярли ўзгармади. Бу ерда истиқомат қилувчилар жуда кўп замонавий қулайликлардан маҳрум бўлиб келавердилар. Кўпчилик уй-жойлар емирилиш ҳолига келиб қолган, тор кўчалар транспорт қатнови учун ноқулай эди. Газ, сув, телефон, канализация ва бошқа шу каби коммунал-муҳандислик тармоқлари ниҳоятда суст ривожланганди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил охирларида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва ободонлаштириш бўйича қабул қилган қарори тарихий аҳамиятга эга бўлди. Шунга асосан шаҳар раҳбарлиги, лойиҳачилар, қурувчилар, коммунал-ободонлаштириш хизматлари ходимлари олдига катта вазифалар қўйилди. Янги замонавий йўллар, кенг кўламда уй-жойлар, мактаблар, гузарлар қуриш режалаштирилди.

Бу катта, машаққатли, айни вақтда шарафли ва ҳайрли вазифа зиммасига юклатилган меҳнат жамоалари фидокорлик намуналарини кўрсатдилар. Ниҳоятда қисқа муддат ичида — бир йилга етар-етмас вақтда барча қулайликлари бўлган 1400 тадан ортиқ квартиралар қуриб битказилди. Бу ишнинг асосий оғирлиги «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси бинокорлари зиммасига тушди.

Кун сайин замонавий қиёфа касб қилаётган эски шаҳарда олдинги атамалари сақлаб қолинган учта янги кўча бунёдга келди. Асфальт ва бетон ётқизилган бу кўчалар транспорт қатнови учун қулай бўлиши билан бирга барча коммунал-муҳандислик иншоотлари билан ҳам таъминланган.

Умуман Тошкентни, шу жумладан унинг Эски шаҳар қисмини янада обод ва кўркам қилиш юзасидан кўп ишлар амалга оширилди. Бироқ бундан буён ҳам бу тадбирлар ҳеч сусаймасдан, аксинча янада кенг кўламда давом этади. Қисқаси, кўҳна пойтахтимиз тобора яшармоқда, жозибаси янада ортмоқда, айни вақтда ўзининг қадимий тарихини, асрлар оша давом этаётган анъаналарини, тарихий обидаларини сақлаб қолмоқда. Бу юртбошимиз ва республика ҳукумати тошкентликлар ҳақида, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, фаровонликларини ошириш тўғрисида, пойтахтимиз замонавий талабларга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама обод шаҳар бўлиши ҳақида тинмай қилаётган ғамхўрликлари меваси эканлигини алоҳида мамнуният ва миннатдорчилик билан қайд қилиш лозим. Шу ғамхўрлик туфайли у янада ёркинроқ порлайверади.

М. МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• Сағбон кўчаси (юқорида). • Фарғона йўли кўчаси.



• Олой бозорининг янги кўриниши.

• «Тошкентленд» боғи.

Даврон АҲМАД ва Р. ШАРИПОВ олган суратлар.

ГУЛНОРА БУГУН ШУНИ КУЙЛАЙДИ

ҲАЛИ у пайтда Гулнора ўрта мактабда ўқир эди. Юқори синфларга ўтгандан кейин онаси гоҳо қариндош-улуғларининикига меҳмонга, гоҳо тўйга борганда қўлидан китобини қўймайдиган, мулойим қизини ҳам бирга олиб кетадиган бўлди. Ана шу кезларда ўланчиларнинг айтишувлари, дўмбиранинг жарангдор овози биринчи бор ёш қизчанинг дилига олов солган бўлса ажаб эмас.

— Менга дўмбира олиб беринглар, — дея илтимос қилди у ота-онасидан, — унга ҳавасим кучли. Қандайдир илиқ сўзлар билан фикри-ёдим банд. Соз чалиб қўшиқ айтгим келади. Устозлардан ўрганаман.

Гулноранинг сўзлари ерда қолмади. Бир куни у дўмбира билан ўзи билим олаётган ўша пайтдаги Чимкент вилоятининг Тўлабий туманидаги Собир Раҳимов номли мактабга кириб келди. Ўқитувчилар ҳам, Гулнора Алимбоеванинг тенгқурлари ҳам беҳад севинишди. Чунки мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгарагида устоз дўмбирасини олиб, қўшиқлар, ўланлар айтиб юрган Гулнора бугун ўз созига эга бўлган эди. Шундан сўнг мактабда ўтадиган бадиий тадбирларда ёш оқин фаол қатнаша бошлади.

Ўнинчи синфни битиргандан кейин бир-икки йил ўзи истиқомат қилаётган жамоа хўжалигида ишлади, кейин тақдир тақозоси уни Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги Қоратухум овулига — муҳаббат изҳор этган йигит хонадонига бошлаб келди.

Халқимизда шундай бир нақл бор: уруғнинг авж олиб, мўл ҳосил беришида у тушган заминнинг аҳамияти катта. Г. Алимбоева келин бўлган хонадон ҳам, унинг маҳалладошлари ҳам санъатсевар кишилар эдилар. Келинлик бурчини ўтаб далага отланган Гулноранинг яхшигина ўланчи эканлиги қишлоқ аҳлига аён бўлганди. Шу боис, тушки овқат пайтларида, бора-бора тўйларда, бошқа тантанали тадбирларда оқинлар билан Гулнора «куч» синашишга чиқадиган бўлиб қолди.

Айни пайтда туман «Наврўз» бадиий ҳаваскорлик тўгараги раҳбари, ҳозир Ўзбекистон Республикаси оқинлар уюшмаси раиси Т. Мусаматов Гулнорадаги қобилиятнинг ўсиб боришига катта ҳисса қўшди. Вақтивақти билан уюштириладиган айтишувларда Г. Алимбоева «пишиб» борди.

— Қизим, энди сени катта айтишувлар кутмоқда,— деди мураббий,— мавзу танлаш, шеърий баён этиш, рақибингга «ҳужум» қилиш, атрофдагиларда кулгу уйғотиш каби услубларинг кўп оқинларга маъқул, оқ йўл тилайман.

Биринчи бор Гулнора 1991 йили Алишер Навоий таваллуд топганининг 550 йиллиги тантаналаридаги катта даврада имтиҳондан ўтди. У Қизилўрдалик айтишув устаси Серик Идрисовнинг бошлаган мавзуларига жавоб беришга қолмай, уни кулгили сатрлар билан мот қилиб қўйди.

Айтишувларнинг ўзига хос қочиримлари бўлади. Гоҳо рақибни нимагадир ўхшатиш, қиёслаш билан ҳазиломуз унинг жиғига тегишга интилиш кучли бўлади. Бу борада Гулнора оқинлар орасида «эпчил» деган ном олди. Кўпчилик айтишувлар орасида тўртинчи ўрин унга насиб қилди. Орадан сал ўтмай «Политотдел» жамоа хўжалиги маданият саройида ўтган айтишувда эса Гулнора Б. Оразимбетов билан баҳслашиб, муваффақиятга эришди.

Ўша йили Қозоғистоннинг машҳур оқини марҳум Қосим Омонжўлов таваллуд топганининг 80 йиллиги тантанасига Ўзбекистондан оқин Гулнора Алимбоева чақирилди. Икки кунлик айтишувда Қувонч Мақсудов ҳамда Қўйлибой Асановлар билан айтишиб, иккинчи ўринни эгаллади. Энди Гулноранинг номи Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаларига танилган эди.

— Сенинг овозинг, дўмбиранг каби жарангдор, илҳоминг булоқдай мусаффо ва жўшқин экан,— деди бир куни Гулнорага Т. Мусаматов. — Яқинда бутун дунё қозоқ оқинларининг Чимкентда айтишув бўйича кўрик танлови ўтказилади. Рўйҳатга киритиб қўйдик. Энди сени жаҳон танийдиган бўлди.

Дарҳақиқат, Чимкент шаҳрида ўтган бу фестивалга Эрон, Мўғулистон, Хитой, Россиядан ва Ўзбекистондан истеъдодли қозоқ оқинлари йиғилишди. Булар орасида Гулнора ҳам бор эди.

Айтишувда мўғулистонлик Ҳадискан Абдилулимин билан баҳслашган Гулнора мавзуларнинг ранг-баранглиги, сўзларининг теранлиги ва долзарблиги, халқлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан эътибор топди. Унга совринли ўрин берилди.

Ҳаммадан ҳам 1992 йилнинг бошларида Марказий Осиё ва Қозоғистон республикалари Президентларининг учрашувлари муносабати билан берилган катта концертда Гулноранинг хурмати янада ортди. Бешта республика Президентлари хузуридаги айтишув сиёсий мавзуга бағишланди. Бунда Гулнора республикаларо тинчлик, хотиржамлик, осойишталикни сақлаш борасида юртбошилар олиб бораётган саъй-ҳаракат нияҳоятда муҳим эканлигини соз билан куйлади ва ғалаба қозонди. Йиғилганлар ҳар иккала оқинга ҳам миннатдорчилик билдирдилар.

Бугун Гулнорани яна катта тантана кутмоқда. Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида халқаро айтишув ўтказилади. Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигига, қозоқ халқининг талантли оқини Абай таваллудининг 150 йиллигига, қирғиз эпоси «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган бу тадбирда Г. Алимбоева ҳам иштирок этади.

— Ўлан айтсам кўнглим яйрайди,— дейди у,— бу сафар Туркистон халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлаш мавзусини танлаб олганман, Ўйлайманки, айтишувда муваффақият қозонаман.

— Гулнора — Туркистон фарзанди. У умумий уйимизнинг файзи, фахридир. Унга ҳамиша омад кулиб боқаверсин,— деди биз билан ҳайрлашаётиб унинг устози Т. Мусаматов.

Биз ҳам бу ниятга тилакдошмиз.

С. ҲАСАНОВ.

● *Туркистон — умумий уйимиз*

ТЕРИМ ТЕХНИКАСИ МАВСУМГА ТЎЛА ШАЙ ЭМАС

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида терим техникасини 20 августга қадар мавсумга тўла шай қилиб қўйиш вазифаси юкланган эди. Белгиланган муддат аллақачон тугади, аммо вилоятдаги айрим хўжаликларда мавжуд пахта териш техникаси мавсумга тўла шай эмас.

ЙИЛ ҳисобини сўраб куз ҳам кириб келди. Шу нарсани мамнуният билан қайд этиш керакки, бу йил пахтакорларимиз яхши меҳнат қилишди. Далаларда эртаги ҳосил етиштирилди. Энди муҳим вазифа ана шу ҳосилни қисқа муддатда нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишдан иборатдир.

Вилоятимиз пахта далаларида қўл терими бошланиб кетди. Хирмонларга этакладан дастлабки тонна «оқ олтин» тўқилди. Ҳадемай пахтазорларга терим машиналари ҳам чиқади. Бу йил вилоятимизда етиштирилган жами пахта ҳосилининг 60 фоизини машиналар билан териб олиш режалаштирилган. Бу жуда яхши. Аммо шунча миқдордаги пахтани териб берадиган ўша машиналар мавсумга тўла шайми ўзи ёки йўқми? Техникани таъмирлаш ва уни йиғим-теримга ҳозирлашдаги бугунги аҳвол қандай?

Агар ростига кўчиб гапирадиган бўлсак, мавжуд терим машиналари мавсумга тўла шай эмас. Буни 1 сентябрь кунига берилган тезкор маълумотнома рақамлари ҳам яққол кўрсатиб турибди. Вилоят бўйича бугунгача жами 1937 та терим машинасидан энди 1638 таси тайёр ҳолга келтирилган. Яъни бу борадаги режа 84,6 фоизга бажарилган. Терим техникасини таъмирдаш ва уни мавсумга ҳозирлаш ишлари Чиноз, Оққўрғон, Бекобод, Қуйичирчиқ ва Янгийўл туманларида суст кашлик билан олиб борилмоқда. Юқоридаги туманларда режа бугунги кунда 73-87 фоизга бажарилган.

Айниқса, вилоятдаги бир қатор хўжаликларда терим техникасини мавсумга ҳозирлаш ўта қониқарсиз аҳволда. Бунга мисол қилиб Оққўрғон туманидаги «Маданият», «Қаҳрамон», Бекобод туманидаги Навоий, Улуғбек, Мавлонов номли, «Навбаҳор», Ойбек номли, Бўка туманидаги «Мустақил Ўзбекистон», Жамбул, Улуғбек номли, «Паркент», Қуйичирчиқ туманидаги «Дўстлик», Беруний номли, Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк-ота», А. Яссавий номли, Пискент туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги», Х. Қодиров номли, «Туркистон», Навоий номли, Чиноз туманидаги «Гулзоробод», «Йўл тушган», Янгийўл туманидаги Х. Турсунқулов, Ниёзов номли, «Қовунчи» жамоа хўжаликларини кўрсатиш мумкин. Бу хўжаликларда мавжуд терим машиналарининг ҳатто ярми ҳам таъмирдан чиқарилмаган.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, бу хўжаликларда таъмирлаш ишлари қачон тугаб, терим машиналари қачон далага чиқади?

Вилоят қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ва таъмирлаш бирлашмасининг мутасаддилари ҳамда мутахассислари билан суҳбатларимиз ана шу жумбоқни ечишда анча кўмаклашди. Маълумки, янги пахта териш мавсумига тайёргарлик кўриш вилоятда анча эрта кун тартибига қўйилган эди. Июль ойида Оққўрғонда бўлиб ўтган вилоят фаоллари йиғилишида бу масала жиддий муҳокама этилди. Зарбдор 45 кун эълон қилинди. Пахта йиғим-теримига ҳозирлик бу йил «айниқса» энг долзарб масала эканлиги ҳисобга олиниб вилоят ҳокимлиги, деҳқончилик саноати уюшмаси, қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ва таъмирлаш бирлашмаси мутахассислари, ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари иштирокидаги комиссиялар, назорат гуруҳлари иш олиб борди. Жойлардаги мавжуд аҳвол мунтазам ўрганиб борилди ва ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатилди.

Энг муҳими бу йил эҳтиёт қисмлар билан боғлиқ кўпдан-кўп муаммолар ҳал этилди. 670 дан ортиқ янги двигателлар, 640 та тирсакли валлар, двигателлар учун 500 та Д — 240 ва 10000 дан ортиқ Д — 144 комплектлари ҳамда жуда кўп бошқа энг зарур эҳтиёт қисмлари келтирилди. Хўжаликларга 150 та янги тракторлар етказиб берилди. Ғилдираклар масаласи ҳал этилди. Бу йилги мавсумда моторларни ўзимизда таъмирлаш йўлга қўйилди. Бўка, Бекобод, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ ва Оҳангарон туманларида ана шундай устаханалар ташкил этилди. Булардан ташқари вилоят қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ва таъмирлаш бирлашмасининг 33 та кўчма таъмирлаш бригадалари жойларда шартнома асосида иш олиб бормоқда. Пахта йиғим-терими айни қизғин паллада терим машиналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида бундай кўчма бригадалар сонини 50 гача етказиш режалаштирилган. Лекин жойлардаги кўпгина хўжаликлар бу имкониятлардан тўла фойдаланмаяптилар, турли баҳоналарни рўкач қилиб, бирлашма билан ўзаро шартнома асосида иш юритишни истамаяптилар. Вилоятимизда ана шундай хўжаликлар 20-30 фоизни ташкил этади. Техникани таъмирлаш ва уни мавсумга ҳозирлашдаги қолоқлик ва узилишлар ҳам ана шу хўжаликлар улушига тўғри келади. Бу техникани мавсумга тайёрлашнинг кечикишига олиб келаётган энг асосий сабабларидан биридир.

Бир мисол. Вилоят назорат гуруҳи аъзолари шу йил 15 август куни Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» жамоа хўжалигида бўлишганида техникани таъмирлаш жуда оғир аҳволда эди. Мавжуд 14 та терим машинасидан биронтаси ҳам тайёр эмасди. Бирлашма мутахассислари хўжалик раҳбарларига кўчма бригадаларни ёрдамга ташлашни маслаҳат беришди. Аммо улар вақт зиқ бўлишига қарамай тўғри маслаҳатга қўнишмади, бригадани қабул қилишдан воз кечишди. Буни қандай тушуниш керак. Бу аҳволда эртага даладаги ҳосил тақдири нима бўлади?

Бу йилги техникани таъмирлаш ва уни мавсумга ўз вақтида ҳозирлашдаги қолоқликнинг асосий сабабларидан яна бири — ташкилотчиликнинг етишмаётганлигидир. Умуман кўпгина хўжаликларда техникаларни таъмирлаш билан етарли шуғулланилмади. Эҳтиёт қисмлар етишмаслиги, зарур узелларнинг тақчиллигига қарамай таъмирлаш ишларига жуда кечикиб киришилди. Устига устак бу ишга вақтида етарли ишчи кучлари жалб қилинмади. Одамларга зарур иш ва дам олиш шароитлари яратиб берилмади.

Вилоят ҳокимлиги назорат гуруҳи аъзолари 30 август куни Қуйичирчиқ туманидаги Беруний номли жамоа хўжалигида бўлиб, у ердаги техникани таъмирлаш билан боғлиқ аҳвол билан танишдилар. Маълум бўлдики, хўжаликда техникани таъмирлаш ишларига жуда кечикиб киришилган. Бугунги кунда мавжуд 45 та терим машинасидан (бошқа техника воситалари бундан мустасно) атиги энди 20 таси тайёр бўлган, холос.

Устахонада 10 та терим машинаси таъмири билан бор-йўғи 7 киши машғул. Иш жуда суст боряпти. Одамларга ҳеч қандай ижтимоий шарт-шароит яратиб берилмаган. Янги ремонт қилинган пахта териш аппаратлари бир ёнда қалашиб ётибди. Уларнинг биронтаси ҳали тракторларга осилмаган. Хўш, бу ачинарли аҳволга жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Нурматов ва бош муҳандис Э. Файзуллаевлар нима деб жавоб қилишади?

Бултур вилоятимиз пахта далаларида 2 минг 200 та терим машинаси ишлади. Терим мавсуми айни қизғин паллада турли техникавий нуқсонлар оқибатида терим машиналари сони 1500 тага тушиб қолди. Ҳар бир терим машинасининг мавсумдаги иш унуми режадаги 80 тонна ўрнига 49 тоннани ташкил этди. Ўтган йили етиштирилган жами пахта ҳосилининг 122 минг тоннаси машиналар билан териб олинди. Машина терими, режаси 45 фоизга бажарилди. Умид оқланмади.

Ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликлар бу йил бизнинг учун катта сабоқ бўлиши керак. Мавсумда етиштирилган жами ҳосилнинг 168 минг тоннаси ёки 60 фоизи машиналар билан териб олинади. Ҳар бир терим агрегатининг иш унуми ўртача 80-85 тонна бўлишини таъминлаш режалаштирилган. Шундай экан, бу топшириқни бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ишни вилоятимизда терим техникасини аллақачонлар мавсумга 100 фоиз шай қилиб қўйган Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув», А. Икромов номли, «Ровотак», «Гулистон», Чиноз туманидаги А. Темур номли ва бошқа илғор хўжаликлардан намуна олиб зудлик билан қайта ташкил этишимиз, камчиликларни тезда бартараф этиб, эрта-индин йўлга чиқадиган катта карвонни ортга тортмаслик чора-тадбирларини кўришимиз шарт. Бу — давр тақозоси.

● *«Тошкент ҳақиқати» бонг уради*

Т. БОЙМАТОВ,
Вилоят қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлаш ва таъмирлаш бирлашмаси раисининг муовини.
Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ДУШАНБА, 11

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 ФУТБОЛ ШАРҲИ.
18.30 "ҚИШЛОҚ ТАДБИРКОРЛАРИ".
18.55 Дони Зоқиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Телефильм.
20.10 "Ўйинни ўйин тутма".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "ВАҚТ — ҲАКАМ".
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "СЎНГГИ ЎҚ". Видеофильм.5-қисм.
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Таҳлил".
19.10 "Чашма".
19.40 "Спорт-тайм".
20.20 "Кимга қанақа?"
21.20 — 22.45 "Оқ рангли лимузин".Бадиий фильм.

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.30
***
22.45 — 23.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Хабарчи қуш". Телефильм.
19.15"Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Жаҳон географияси".
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — "О".
23.25 Эълонлар.
23.30 "Курьер".
23.50 "...яна об-ҳаво ҳақида".
24.00 — 00.10 "Постфактум".

СЕШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 5-қисм.
9.05 Немис тили.
9.35 "Кўзгудаги рангин лаҳзалар". Кинодастур.
10.00 "Кашф этилаётган имкониятлар".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 — 13.15 "Юлька". Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "ҚЎНҒИРОҚЧА".
18.40 Мусиқий дақиқалар.
18.55 "ТАРАҚҚИЁТ".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 БЕВОСИТА МУЛОҚОТ.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "МИНТАҚАМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА".
21.50 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "СЎНГГИ ЎҚ". Видеофильм. 6-қисм.
22.45 Эълонлар.
22.50 — 23.15 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
18.45 "Табиат дунёси".
19.35 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
19.55 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 Видеогид.
21.30 "Теле-ателье-шоу".
21.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 00.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мусиқий танишув: Т. Ҳўжаназаров".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Тадбиркорлик мактаби".
20.20 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 "Қиймат ва қиймат".
21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.15 — 23.00 "Соккер-клуб".

ЧОРШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 6-қисм.
8.55 Сирдарё вилоятидаги "Ширин" ашула ва ракс ансамблининг концерти.
9.15 Янги алифбони ўрганамиз.
9.45 "Ёшлар ва замон".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 "Вазият".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
12.00 "Суянч".
12.30 — 14.30 "Ёшлик" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Қувноқ дақиқалар".
18.30 "ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛЬМ": ФЕСТИВАЛЬ ЯКУНЛАРИ.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ. Шоҳида ШОҲИМАРДОНОВА.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. ЭКРАНДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.
22.15 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "СЎНГГИ ЎҚ". Видеофильм. 7-қисм.
23.45 Эълонлар.
23.50 — 00.15 "Ахборот".

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Ўй ҳайвонот боғи".
18.50 "Тошкент оқшомида".
19.50 "Тет — А — Тет".
20.05 "Кинематограф".
21.35 — 22.25 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ. "МҲСК" — "ПАХТАКОР".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
21.45 — 00.05

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 14

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. "Сўнгги ўқ". Видеофильм. 7-қисм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 "Ғазалхон ёшлигим".
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 "Солиқ".
11.30 Ўқув кўрсатуви. География.
12.00 "Тановор" ансамблининг созандалари ижро этади.
12.30 "Улғайиш поғоналари".
13.00 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
13.20 — 13.50 "Оналар мактаби".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 "Бу дамлар ўхшар эртакка".
18.40 "ТИЛГА ЭЪТИБОР".
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "ОМИЛКОР ИНСОНЛАР".
20.20 "ЮЗМА-ЮЗ".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "МИНТАҚАМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА".
21.50 "СЕНИ СЕВДИМ". Бадиий фильм. 1-серия (Ҳиндистон).
23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 "Ахборот".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Кўнгил".
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Теле-ателье-шоу".
19.10 Видео янгиликлари.
19.30 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 — 22.45 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 00.45

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Романслар кечаси".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Дурдаршан" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Ҳаракатда баракат".
21.10 "Кўнгил кўприклари".
21.50 "Шалом!"
22.20 — 22.40 "Глобус".

ЖУМА, 15

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Медаллар машаққати". Бадиий фильм. 1-серия.
9.10 Немис тили.
9.40 "Ёшлик" студияси. "Талабалик йилларим".
10.20 "Мусаввир нигоҳи". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 "Гуллар билан кутаман". Мусиқий композиция.
11.40 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
12.10 "Ёшлар билан юзма-юз".
12.45 — 13.15 "Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари".
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.20 "САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ".
18.40 "ДОНИМИЗ — РИЗҚИМИЗ".
18.50 "ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "МЕНДА ФИКР БОР".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 "ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР".
22.15 "Ҳофизлар хониш қилганда".

ҲАФТАЛИК TV ТВ TV КЎРСАТУВЛАР

6.30 — 8.00
***
18.10 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
21.45 — 00.05

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).

"ОМАД" таништиради:
19.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
19.55 Эълонлар.
20.00 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.50 "Кулгига нима етсин".
21.15 "Автосалон".
21.35 "Америка юлдузлари".
22.05 Эълонлар.
22.10 "Даракчи".
22.20 Эълонлар.
22.25 — 00.05 Видео — "О".

ШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Медаллар машаққати". Бадиий фильм. 2-серия.
9.10 "Бахтиёр Холҳўжаев куйлайди". Фильм-концерт.
9.40 Андрес-Скалес. "Оила". Теленовелла.
9.55 "Оламни асранг!".
10.25 "Халқ ижодиёти".
10.55 "Эртаклар — яхшиликка етаклар".
11.30 "Олимп сари".
11.55 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
12.55 — 14.55 "Маънавият" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 "ҚУВНОҚЛАР ДАВРАСИДА".
18.40 "САНЪАТ ОЛАМИ".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Рақслар гулдастаси".
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ахборот".
21.25 Эълонлар.
21.30 ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ. "Нефтчи" (Ўзбекистон) — "Елимай" (Қозоғистон).
23.00 "ТУНГИ ЁҒДУ". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.15 "Табиат дунёси".
10.05 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.25 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 Видеогид.
12.00 "Теле-ателье-шоу".
12.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.50 "Кинонигоҳ".
14.30 — 18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
*

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 Кичик дебют.
19.40 "Кинотриада.".
20.40 "Янги иқтисод".
21.10 "Менинг кўчам".
21.25 — 23.15 "Кинематограф".

ЎзТВ III

РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.00 — 20.45
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45 — 21.25
***
22.45 — 01.30

ЎзТВ IV

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
10.50 — 11.55 Болалар учун фильм. "Арслоннинг саргузаштлари". 2-серия.
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.05 "Медитация". Телефильм.
19.15 "Мультқарусель".
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
19.50 "Интердиалог".
20.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.40 "Вариацияли мавзу".
21.10 "Қалбим қўри".
21.50 — 22.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЯКШАНБА, 17

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.30 Футбол майдонларида.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "ҚЎШИҚЛАРИМ СИЗГА АРМУҒОН".
11.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" почтасидан.
12.30 "БУГУН — ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ".
13.15 — 15.15 "Болалигим — пошшолигим". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "ТОМОША" ахбороти.
18.15 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Изла! Топ!".
19.05 "Ойнаи жаҳонда...".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Панорама" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "ДУНЁНИ ҚИЗҒАНМА...". Абдулла Орипов лирикаси.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 "ДЕҲҚОН ДАЛАДАН ҚАЙТДИ".
22.25 Экранда — кинокомедия. "Хотиржамлик бекор қилинади".
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.15 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кўнгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Теле-ателье-шоу".
10.40 Видео янгиликлари.
11.00 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 — 14.15 "Кинонигоҳ".
***
17.00 "Совға".
17.30 "Жаҳон географияси".
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.05 Эълонлар.
20.10 "Курьер".
20.30 "... яна об-ҳаво ҳақида".
20.40 "Постфактум".
20.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 "Компьютер-Осиё".
21.40 "Кулгига нима етсин".
22.05 "Америка юлдузлари".
22.35 Эълонлар.
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар

Тошкентда биринчи Марказий Осиё ўйинлари ниҳоясига етди

ЮТГАН ҚУВОНДИ, ЮТҚАЗГАН ХАФА БЎЛМАДИ

«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбирлари Шароф Умурзоқов ва Даврон Аҳмад хабар қиладилар

КЕЧА Тошкентдаги энг йирик спорт ўйингоҳларида ва Олмалиқ шоссесида ўтказилган биринчи Марказий Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. 7 кун давомида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон терма жамоалари сафида мингдан зиёд спортчи 12 тур бўйича бахслашди. Ютган қувонди, ютқазган эса хафа бўлмади. Муҳими ДЎСТЛИК галаба қилди. Собиқ Иттифоқ даврида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари спортчилари ўзаро беллашиб турар, лекин, кейинги йилларда бундай спартакиадалар ўтказилмай қолганди. Мана 5 мустақил мамлакат спортчилари яна тўпланди. Лекин бу галги баҳслар ўзгача рух, ўзгача кайфият билан ўтди.

Мусобақа рамзида, шунингдек ғолибларга топширилган медалларда беш халқа тасвири бор. Бамисоли Марказий Осиё ўйинларида иштирок этган беш мамлакат рамзига кўчгандек.

Ўйингоҳларда, югуриш йўлкалари, сузиш хавзалари, спорт залларида бўлган ҳар бир беллашув БИРОДАРЛИК, ДЎСТЛИК, ЖИПСЛИК шиори остида ўтди. Агар Сиз Марказий Осиё ўйинлари мусобақаларини кузатган, ёҳуд у ёки бу турини томоша қилган бўлсангиз қураш асосан Қозоғистон ва Ўзбекистон вакиллари ўртасида борганлигининг гувоҳи бўласиз. Дастлабки кунларданоқ ана шу икки мамлакат вакиллари ўртасида бошланган команда баҳси сўнгги кунгача давом этди. Қозоғистон ва Ўзбекистон вакиллари деярли тенг миқдордаги медалларга сазовор бўлдилар. Яхшиси қуйидаги жадвалга бир нигоҳ ташланг. Ниҳоясига етган беш турдан сўнг мамлакатлар вакиллари қўлга киритган медаллар қуйидагича:

Мамлакатлар	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
Ўзбекистон	37	35	25	97
Қозоғистон	42	37	17	96
Қирғизистон	11	10	27	48
Туркманистон	—	8	15	23
Тожикистон	1	1	8	10

Энди эса биринчи Марказий Осиё ўйинлари программасига кирган айрим мусобақалар ҳақида қисқача хабар қиламиз.

ВОЛЕЙБОЛ

БОШҚА турлардаги каби волейболда ғолиблик учун кураш асосан Қозоғистон ва Ўзбекистон жамоалари ўртасида бўлди. Ўзбекистон волейболчилари Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон командаларини бир хил 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Қозоғистонликлар ҳам ана шу жамоалар устидан шундай ҳисобда устун келишди. Биринчи ўрин учун Қозоғистон ва Ўзбекистон волейболчиларининг ҳал қилувчи баҳси қозоқ спортчилари фойдасига 3:1 ҳисобида тугади.

БАСКЕТБОЛ

ЭРКАКЛАР ва аёллар бахсларида Қозоғистон вакиллари қатнашмаганлиги учун мутахассису-мухлислар Ўзбекистон вакиллари осонгина ғалабага эришади деб ўйлаган эдилар. Эркаклар ўртасида ўтказилган мусобақаларда мухлислар кутгандек ҳолат юз берди. Баскетболчиларимиз Қирғизистон командасини 99:57, Туркманистон вакилларини 102:66, тожикистонликларни 119:76 ҳисобида мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Аёллар бахсида эса вакилларимиз Қирғизистон жамоасидан 87:99 ҳисобида мағлубиятга учраб, иккинчи ўрин билан кифояландилар.

ВЕЛОПОЙГА

«ПОЛИТОТДЕЛ» ўйингоҳида 30 километрга ким тез етиб келиш мусобақасида тошкентлик Андрей Тўйчиевнинг ғалабаси ҳақида хабар берган эдик. У 22 пойгачи беллашувида энг юксак — 39 минут 32,70 секунд натижа кўрсатди. А. Тўйчиев масофани ўртача 46,15 километр тезликда босиб ўтди. Ўзбекистон вакилларидан яна Қаҳрамон Мўминов умумий тўртинчи, Сергей Арков — 6-ўринни эгаллади.

Велепойгачилар пайшанба куни Олмалиқ шоссесида 125 километрлик масофада шахсий пойгада беллашдилар. Қирғизистонлик Юрий Чугунов масофани 3 соат 13,4 секундда босиб ўтиб ғолиб бўлди. Ўзбекистонлик Сергей Арков ва Андрей Аксеновлар ҳам худди шундай натижа кўрсатдилар. Ғолибларни фотофиниш аниклаб берди. Шундай узун масофада олтин, кумуш ва бронза медалларини қадам эмас, балки қаричдек масофа ажратиб туриши ҳайратланарлидир. Ғолиблар масофани соатига ўртача 40 километр тезликда босиб ўтдилар.

ОҒИР АТЛЕТИКА

54 ва 59-килограммгача оғирликдаги полвонлар бахсида олтин медаллар кимга тегишини спортчиларнинг кўтарган оғир тошлари эмас, балки... ўз вазнлари ҳал қилди. Ўзбекистонлик халқаро тоифадаги спорт устаси Виктор Янский даст кўтаришда 100, силтаб кўтаришда эса 132,5 килограммлик натижа кўрсатди. Унинг қозоғистонлик рақиби Василий Лим биринчи машқда 2,5 килограмм ортиқча кўтарган бўлса-да, иккинчи ҳаракатда 130 килограммлик натижага эришди. Шундай қилиб иккала полвон бир хил — икки қуришда 232,5 килограмм натижа кўрсатди. Қоидага кўра полвонларнинг оғирлиги ўлчанди. Виктор Янский енгилроқ чиқди ва олтин медал эгаси бўлди.







Суратларда: биринчи Марказий Осиё ўйинларидан лавҳалар.

59 килограммгача вазнда эса қирғизистонлик Усе Майназаров ва қозоғистонлик Дмитрий Ломакин бир хил 265 килограммдан натижага эришдилар. Бунда ҳам полвонларнинг вазни ўз кучини кўрсатди. Енгилроқ келган Майназаров ўйинлар ғолиби бўлди. Юртдошимиз Андрей Шевяков 245 килограммлик натижа билан учинчи бўлди.

76 килограммгача полвонлар бахсида қозоғистонлик Геннадий Ермаков 322,5 (145+177,5) килограмм натижа билан, 83 килограммгача вазнда қозоғистонлик Вечеслав Ню 360 (170+190) килограмм, 91 килограммгача вазнда Андрей Макаров (Қозоғистон) 360 килограмм (170+190), 99 килограммгача вазнда А. Хропатий (Қозоғистон) 392,5 килограмм (182,5+210) натижа билан биринчи бўлишди. 91 килограммгача вазнда ўзбекистонлик А. Хўжаев ва 99 килограммгача вазнда А. Ўринов иккинчи бўлдилар.

ҚИЛИЧБОЗЛИК

Мусобақалар программасидаги спортнинг бу тури беллашувлари вакилларимиз учун омадсиз бўлди. Аёллар ўртасида қиличбозлик бахсида қозоғистонлик Наталья Харчева ғалабага эришди. Ўзбекистонлик Татьяна Рибакова бешинчи ўрин билан чегараланди. Эркаклар ўртасида шамшир беллашувлари ҳам Қозоғистон вакилининг ғалабаси билан тугади. Вячеслав Григорьев биринчи бўлди. Мамлакатимиз вакили Рафқат Рўзиев тўртинчи ўринда қолди. Шамширчиларнинг команда баҳсида Туркманистон жамоасини 45:31 ҳисобида мағлубиятга учратган командамиз қозоғистонликларга 38:45 ҳисобида ютқазишди. Қиличбозлар бахсида ҳам қирғизистонликларни 45:30 ҳисобида енган Ўзбекистон вакиллари Қозоғистон жамоасидан 40:45 ҳисобида енгилишди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Программанинг айрим турлари бўйича биринчи куни ўтказилган мусобақаларнинг ғолиблари билан танишинг:

Ўзбекистонлик Светлана Мункова баландликка сакрашда 1 метр 90 сантиметр натижа билан ғолиб келди. Аёллар ўртасида 100 метрга тўсиқлар оша югуришда қозоғистонлик Ольга Шишигина 13,0 секунд, 110 метрга эркаклар ўртасида тўсиқли югуришда ҳам Қозоғистон вакили Андрей Скляренко 13,9 секунд вақт билан ғолиб келди, 100 метрга эркаклар ўртасида югуришда юртдошимиз Анвар Кўчмуродов 10,2 секунд натижа кўрсатиб Марказий Осиё ўйинлари ғолиби бўлди.

Аёллар ўртасида диск улоқтиришда ўзбекистонлик Елена Радченко 41 метр 10 сантиметр натижа билан олтин медал эгаси бўлди. Эркаклар ўртасида 400 метрга югуришда ҳам юртдошимиз Алексей Файзулов биринчи ўринни эгаллади. У масофани 47,1 секундда босиб ўтди.

СУЗИШ

Эркаклар ўртасида 50 метр масофага брасс усулида сузишда юртдошимиз Олег Мухати ғолиб келди. Шунингдек юртдошларимиздан Равил Начаев 100 метрга батерфляй, 200 метрга комплекс сузишда Олег Пухнатий биринчи бўлдилар.

Футбол

«НАВБАҲОР» — «НЕФТЧИ»ГА ЕТА ОЛАРМИКАН?

СПОРТ мухлисларининг нигоҳи Тошкентдаги Марказий Осиё ўйинлари мусобақаларига қадалган бўлсада, улар футбол бўйича олий табақа ўйинларини ҳам эътибордан четда қолдираётганлари йўқ. Чоршанба куни бўлиб ўтган 21-тур ўйинларида олтин медалларга жиддий даъвогар ҳисобланган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ҳам, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари ҳам сафарда ўйнашларига қарамай галабага эришиб, учтадан очкони қўлга киритдилар. Фарғоналиклар Термизда АСК меҳмони бўлишди. Биринчи бўлимда В. Пайчук майдон эгаларини олдинга олиб чиқди. Лекин иккинчи бўлимда фарғоналиклар иккита тўп киритишга муваффақ бўлдилар. 75-минутда Р. Асқаров 11-метрлик жарима тўпини дарбозага киритганда ўйин дуранг бўлиб тугаши эҳтимолдан ҳоли эмасди. Аммо бу имконият бой берилди. 2:1 ҳисобида галабага эришган «Нефтчи» 54 очко билан ҳамон пешқадамлик қилмоқда.

Наманган футболчилари эса Тошкентда «Пахтакор» билан беллашдилар. Биринчи бўлимнинг 17 минутида А. Маъарифалиев пахтакорчиларни олдинга олиб чиқди. 35-минутда эса Олег Шацких вазиятни тенглаштирди. Учрашувнинг сўнгги дақиқалари «Навбаҳор»нинг тўла ҳужуми билан ўтди. Ўйин тугашига тўрт минут қолганда А. Винников 11-метрлик жарима тўпидан фойдалана олмади. Бироқ наманганликлар бу муваффақиятсизликдан руҳан тушмай энг сўнгги дақиқаларгача ҳужумга зўр бердилар ва ҳаракатлар зое кетмади. 90-минутда Зафар Мусабоев галаба тўпини киритди. «Пахтакор» устидан 2:1 ҳисобида муҳим ютуқни қўлга киритган «Навбаҳор» 51 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Вилоятимиз вакиллари «Политотдел» футболчилари ўз майдонларида Марказий Харбий спорт клубини қабул қилиб 0:1 ҳисобида енгилишди. Тошкентда ўтган ўйинда эса «Политотдел» 2:1 ҳисобида галаба қозонганди. Чамаси бу икки жамоа «Меҳмон отангдан улуғ» нақлига амал қилган кўринади.

Шу турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Атласчи» — «Динамо» 2:0, «Наврўз» — «Машъал» — 2:1, «Суғдиёна» — «Темирйўлчи» — 4:0. Тошкентнинг «Трактор» жамоаси ўйнамай 3 очкога эга бўлди. Маълумки, унинг бу турдаги рақиби Бухоронинг «Нурафшон» жамоаси эди. Бухороликлар эса мавсум охиригача учрашувларда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

22-тур ўйинлари бугун бўлиб ўтади. «Политотдел» Наманганда «Навбаҳор» меҳмони бўлса, «Чирчиқ» ўз майдонида «Наврўз» жамоасини қабул қилади.

Янги китоблар

ҲАДИСЛАР — МАНГУ ИЛҲОМ МАНБАИ

МУСТАҚИЛЛИК туфайли кўпгина миллий қадриятларимиз тикланиб, ўтмиш меросимиз хазинасига йўл очилмоқда. Бу меросимизни тарғиб этиш ва ўрганишда «Чўлпон» нашриётининг ҳиссаси катта. Яқинда нашриёт адабиётшунос олим, профессор Анвар Ҳожиаҳмаднинг «Жаннат калити» номли рисоласини босмадан чиқарди. Унда Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Минг бир ҳадис»идан танлаб олиниб, уларга шеърий иқтибос боғланган. Анвар Ҳожиаҳмад ҳадис мазмунини сақлаган ҳолда уни тўрт мисрали шеърий сатрларга айлантирадики, натижада ихлосмандларнинг ҳадисга ва сўз санъатига қизиқиш ва меҳри ортади. Олим пайғамбаримизнинг «Ҳар бир мусулмонга ҳалол ризқ исташ фарздир» деган ҳадисларига шундай иқтибос боғлайди:

Ҳалол ризқ истамоқ мўминга фарздир,
Ҳалоллик — оламда улуғ саодат.
Ризқи ҳаромларга Аллоҳ лаънати,
Ризқи ҳалолларнинг жойидир жаннат.

Ёки «Ҳар бир яхшилик садақадир» ҳадисига:

Яхшиликка бўлгай яхшилик жавоб,
Кўнглингга нур тўлар савоб ишингдан,
Ҳар қайси яхшилик — садақа, савоб,
Ҳар эзгу ишингдан эл дили равшан.

Рисоладан дўстлик, савдо ва савдо аҳли, ўлим ва марҳумлар, ҳасад ва кечиримли бўлиш хусусидаги ҳадисларга боғланган иқтибослар ҳам ўрин олган. Филология фанлари номзоди Олимхон Тўра Шайх Юсуфхон Шокир сўнгсўзда олимнинг табаррук ҳадисларини ёш авлодга тушунарли қилиб равон, ўзбек тилида иқтибос қилиб беришини маъқуллайди ва ёзади: Шу муносабат билан пайғамбаримизнинг: «Менинг сўзларимни эшитиб, уни эшитгандай ёдида сақлаб қолиб, бошқаларга ҳам бузмасдан эшитгандай қилиб етказган одамнинг юзини Аллоҳ ёруғ ва порлоқ қилсин» — деган маънодаги ҳадислари ёдимга тушди.

Ҳа, муаллиф савобли ишга қўл урди. Ўйлаймизки, ушбу иқтибослар ўқувчиларимиз ва китобхонлар маънавий оламини бойитишда узоқ йиллар хизмат қилади. Китобга Тўлқин Алимов муҳаррирлик қилган.

Фақат хотин-қизлар беллашдилар

ҚИБРАЙ тумани ҳокимлиги, ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан байрамга бағишлаб 30-31 август, 1 сентябрь кунлари туманда хотин-қизлар спартакиадаси бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда мавжуд 12 та қишлоқ фуқаролар йиғинидан вакиллар қатнашди. Спартакиада ташкилий қўмитаси таклифи билан мусобақалар беш турда — волейбол, стол тенниси, шахматташка, енгил атлетика бўйича ўтказилди.

Биринчи ўринни «Қизил-ту» хотин-қизлар командаси, иккинчи ўринни «Байтқўрғон» қишлоғи, учинчи ўринни «Май» қишлоғи эгаллади. Совринли ўринларни олган қишлоқ аёллар командаларига кубок, пул, қимматбаҳо совғалар топширилди.

СИЗ ТАЛАБА БЎЛДИНГИЗ

ТОШКЕНТ Давлат Аграр университетида биринчи босқич талабаларини университетга қабул қилинганлиги муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди. Тадбирни университетнинг тарбиявий ишлар буйича ректор муовини, доцент А. Аҳмаджонова очди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Университет ректори, академик Э.Т. Шайхов мазкур олийгоҳга илк қадам қўйганларни самимий қутлар экан, уларга «талаба» номини ҳамиша шарафлашлари кераклигини қайд қилди. Келажакда ўз ўринларини топиб, етук мутахассислар бўлиб етишишларини тилади.

Бу тантанали тадбирда профессор, Қишлоқ хўжалик фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳ.Ҳ. Кимсанбоев рамзий билимлар калитини ҳисобчилик куллиётининг биринчи босқич талабалари Н. Кўчқорова ва Т. Зиёевларга топширди. Дорилфуннинг Мирзо Улуғбек ва Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги номли стипендиантлари ҳозиргина ўз орзуларига эришган бахтиёр йигит-қизларга талабалик билети ҳамда синов дафтарчасини тақдим этдилар.

Айни пайтда дорилфунуннинг остонасига биринчи бор қадам қўйган, ҳаётларидаги ҳаяжонли дамларнинг гувоҳи бўлган бу ёшлар билим сирларини пухта эгаллашга, ҳар томонлама баркамол мутахассислар бўлиб етишиш ва мустақил мамлакатимизга ҳалол хизмат қилишга сўз бериб, қасамёд қабул қилдилар.

Кеча сўнгида бадиий ҳаваскорлик жамоасининг мусиқали чиқишлари даврага файз киритди.

Ш. ОБИДОВА.

ДАН бурчаги

«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР» ТАДБИРИ

Тошкент вилояти ИИБ ташаббуси билан вилоят ҳудудларида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари олдини олиш мақсадида барча шаҳар ва туманларда «Диққат, болалар» тадбири ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан ДАН бўлинмаси ходимлари ўзларига биркитилган ҳар бир мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида, маҳалларларда ҳаракат хавфсизлигига оид қизиқарли суҳбатлар уюштирмоқдалар. Дарслар бошланиши ва тугаши пайтида уларнинг иш жойлари мактаблар олдидаги чорраҳаларга кўчирилгани ҳам йўл ҳаракатидаги турли хил нохуш воқеалар олдини олиш имкониятини беряпти. ДАН ходимлари шунингдек, тадбир давомида мактаблардаги машқ майдончалари, ҳаракат хавфсизлиги бурчаклари ва хоналарини жиҳозлашга, ҳаракат қоидалари дарслари ўтказилишига амалий ёрдам беряптилар.

О. УМАРОВ,
Вилоят ДАН бошқармаси ходими, милиция майори.

ЭЪЛОНЛАР

САВДО-СОТИҚ ХОДИМЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ «КАФОЛАТ» ЖАМОА КОРХОНАСИ

аҳолининг радио электрон аппаратларини таъмирлаш билан бирга қўшимча хизматларни ҳам бажаради.

Текширув-касса аппаратларини сотади, ўрнатади, таъмирлайди ва касса аппаратлари учун керакли бўлган қоғоз ва бўёқ билан таъминлайди.

Касса аппаратларини тузатувчи операторларни тайёрлайди.

ҲАҚ ТЎЛАШ УСУЛИ ТУРЛИЧА.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Корджавин кўчаси, 10.
Телефон 92-66-13.

ВИЛОЯТДАГИ ШАХОБЧАЛАРИМИЗ:

Ангрен шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 40 — телефон — 2-73-55;
Оҳангарон шаҳри, 3-микрорайон, 18 — телефон — 5-36-94;
Оққўрғон шаҳри, Навоий кўчаси, — телефон — 9-15-90;
Бекобод шаҳри, Пешакова кўчаси, 1 — телефон — 29-12-35-37;
Бекобод тумани, Зафар маркази, — телефон — 2135253;
Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Туркистон-7 — телефон — 27421936;
Бўка шаҳри маркази — телефон — 28735585;
Қуйичирчиқ тумани, Солдатский маркази — телефон — 25872356;
Зангиота тумани маркази, — телефон — 29754083;
Юқоричирчиқ тумани, Янгибозор шаҳри, — телефон — 298231258;
Қибрай тумани, Қибрай шаҳри, Зебинисо кўчаси, 1;
Пискент тумани, Пискент шаҳри, Амир Темур кўчаси — телефон — 25457628;
Ўртачирчиқ туман маркази — телефон — 27621177;
Тошкент тумани, Келес маркази — телефон — 2965618;
Чиноз тумани, Чиноз шаҳри, Б. Ғафуров кўчаси;
Янгийўл шаҳри, Полевая кўчаси, 3 — телефон — 26076333;
Олмалиқ шаҳри, К. Маркс кўчаси — телефон — 26142728.

ТОШКЕНТ — ХАЛАП — ТОШКЕНТ

(сайёҳлик чартер рейси)
"СЕМСАР С" сайёҳлик фирмаси ХАЛАП (Сурия) шаҳрига шоп-тур сафарига

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сайёҳлар уч ва тўрт юлдузли меҳмонхоналарда яшайдилар, улар сайёҳлик—экскурсия хизматидан бахраманд бўладилар, озиқ-овқатлар билан таъминланадилар.

Тўлов — сўм билан.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-"а" уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 41-51-51, 41-59-92.
"СЕМСАР С" ФИРМАСИ ХИЗМАТИ — юксак намунали хизмат ва кўнгилли хордиқ чиқариш кафолатидир.

Тошкент вилояти ҳокимлиги вилоят ҳокимининг муовини Абдурашид Асилбекович Раҳимбоевга волидаси
Гулпан ая РАҲИМБОЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти «Доридармон» Давлат акционерлик бирлашмаси жамоаси узоқ йиллар шу бирлашма раҳбари бўлиб ишлаган
Ҳамид Давлатович ДАВЛАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъуллдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0385. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 22.30. 1 2 3 4 5 6